

Нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолати шарҳи

2022 йил III чорак якуни бўйича



Нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолати тўғрисида шарҳ

2022 йил 1 октябрь ҳолатига

Жорий йилнинг ўтган III чораги давомида нобанк кредит ташкилотларининг асосий молиявий кўрсаткичларида ўсиш тенденцияси кузатилиб, уларнинг микромолиявий хизматлар кўрсатиш хажмлари сезиларли даражада ошди.

I. Нобанк кредит ташкилотлари сони


Бугунги кунда **77 та** микромолия ташкилотлари ва **79 та** ломбардлар аҳоли ва тадбиркорларга микромолиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Худудлар кесимида нобанк кредит ташкилотларининг асосий қисми Тошкент шаҳрида 69 та, Фарғона вилоятида 21 та, Бухоро вилоятида 16 та ҳамда Тошкент вилоятида 13 тани ташкил этмоқда.

Жорий йилда нобанк кредит ташкилотлари бозорига янги иштирокчиларнинг – **7 та** микромолия ташкилотини ҳамда уларнинг **14 та** филиал ва чакана хизматлар марказларини, **6 та** ломбард ва уларнинг **2 та** филиалларини кириб келиши ҳисобига нобанк кредит ташкилотларининг умумий сони ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти билан бирга **157 тага** етди.

1-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари сони



II. Нобанк кредит ташкилотларининг активлари


Нобанк кредит ташкилотлари активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,8 баробарга** ортиб, 2022 йил 1 октябрь ҳолатига **3,7 трлн** сўмни ташкил этган. Активларнинг ўсишида кредитлаш операцияларининг 1,8 баробарга ошиши асосий омил бўлган.

Хусусан, **микромолия ташкилотлари** активлари **55 фоизга** (624 млрд сўмга) ўсиб, **1 759 млрд** сўмга ва **ломбардлар** активлари **29 фоизга** ёки 57 млрд сўмга кўпайиб, **252 млрд** сўмга етган. Активлар ҳажмининг ўсиши асосан, микромолия ташкилотларида кредитларнинг 551 млрд сўмга ва ломбардларда 44 млрд сўмга ўсиши ҳисобига юзага келган.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти жами активлари **2,2 баробарга** (927 млрд сўмга) ўсган ҳолда, **1 720 млрд** сўмни ташкил этган (бунда кредитлар ҳажми 863 млрд сўмга ортган).


2-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари
активлари миқдори, млрд сўмда



3-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари
кредит қолдиғи, млрд сўмда



а) Нобанк кредит ташкилотларининг кредитлаш амалиёти


2022 йил январь-сентябрь ойларида микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **49 фоизга** ошиб, **3,3 трлн** сўм доирасида бўлган. 2022 йилнинг 1 октябрь ҳолатига жами микромолиявий хизматлар қолдиғи (1,8 трлн сўм) **48 фоизга**, хусусан, **микромолия ташкилотлари** кредит қўйилмалари қолдиғи (1 613 млрд сўм) 52 фоизга ва **ломбардлар** кредит қолдиғи (212 млрд сўм) 27 фоизга ўсган.

Ўз навбатида, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти** томонидан аҳолини уй-жойларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида тижорат банкларига ажратилган ресурслари қолдиғи **2,3 баробарга** ортиб, **1 523 млрд** сўмга етган.

2022 йил 1 октябрь ҳолатига барча нобанк кредит ташкилотларининг **жами кредит қўйилмалари қолдиғи** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,8 баробарга** кўпайиб, **3,3 трлн** сўмни ёки умумий кредитлаш ҳажмидаги улуши **0,9 фоизни** ташкил этган.

4-чизма


Нобанк кредит ташкилотлари кредит қўйилмалари қолдиғи (млрд сўм) ва умумий кредитлаш ҳажмидаги улуши



Нобанк кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган микроқарзлар қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 47 фоизга ортиб, **1 783 млрд** сўмга, тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредит қолдиғи 2,2 баробарга кўпайиб, **40 млрд** сўмга ҳамда микролизинг хизматлари ҳажми **2 млрд** сўмга етган.

5-чизма


Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар қолдиғи, млрд сўмда



б) Нобанк кредит ташкилотларининг муаммоли кредитлари

2022 йил 1 октябрь ҳолатига нобанк кредит ташкилотлари кредит қўйилмаларининг **92 фоизи** “стандарт”, **4 фоизи** “субстандарт”, **1 фоизи** “шубҳали” ва **3 фоизи** “умидсиз” кредитлар сифатида таснифланган.

6-чизма




Кредит хатарларининг нобанк кредит ташкилотлари молиявий ҳолатига бўлган салбий таъсирини камайтириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида муаммоли кредитлар (NPL 30+) улуши **5 фоиз бандга** камайиб, **8 фоизни** ёки **140 млрд** сўмни ташкил этган.

Хусусан, муаммоли кредитлар **микромолия ташкилотларида** 41 фоиз ёки 40 млрд сўмга камайган бўлса (қолдиғи **58 млрд сўм**), **ломбардларда** 35 фоиз ёки 21 млрд сўмга ўсган (қолдиғи **82 млрд сўм**).


7-чизма

Микромолия ташкилотлари муаммоли кредитлари ҳажми (млрд сўм) ва улуши



8-чизма

Ломбардлар муаммоли кредитлари ҳажми (млрд сўм) ва улуши



III. Нобанк кредит ташкилотларининг мажбуриятлари ва капитали


а) нобанк кредит ташкилотларининг **жами мажбуриятлари** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2 баробарга** ошиб, **2,5 трлн сўмни** ташкил этган. Хусусан, **микромолия ташкилотлари** мажбуриятлари 66 фоизга ошиб, 861 млрд сўмни, **ломбардларда** 10 фоизга кўпайиб, 25 млрд сўмни ташкил этган бўлса, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида** қарийб 2,3 баробарга ортгани ҳолда, 1 589 млрд сўмга етган.

Мажбуриятлар ўсишида жалб этилган маблағларнинг 2 баробарга (**1 178 млрд сўмга**) ошиши асосий омил бўлган.


Маълумот учун: Банклар томонидан микромолия ташкилотлари ва ломбардларга ажратилган кредитлар қолдиғи 1,4 баробарга ортиб, мос равишда 377 млрд сўм ҳамда 6 млрд сўмни ташкил этган. Шунингдек, халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар микромолия ташкилотларида 3 баробарга ўсиб, 58 млрд сўм ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида 2,3 баробарга кўпайиб, 1 523 млрд сўм доирасида бўлган.

б) микромолия ташкилотларининг жами капитали 46 фоизга ва ломбардларда 32 фоизга ошиб, мос равишда 898 млрд сўм ҳамда 227 млрд сўмга етган бўлса, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида 19 фоизга кўпайиб, 130 млрд сўмни ташкил этган.

9-чизма
Нобанк кредит ташкилотлари жами мажбуриятлари динамикаси, млрд сўмда



10-чизма
Нобанк кредит ташкилотлари жами капитали динамикаси, млрд сўмда



Нобанк кредит ташкилотлари жами капиталининг кўпайиши асосан устав капиталининг 156 млрд сўмга ва тақсимланмаган фойдасининг 60 млрд сўмга ошиши ҳисобига тўғри келган.

Маълумот учун: нобанк кредит ташкилотлари таркибида чет эл маблағлари иштирокидаги ташкилотлар сони 6 тага кўпайиб, 10 тага етган.

IV. Нобанк кредит ташкилотлари даромадлиги

Нобанк кредит ташкилотларининг жами даромадлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **362 млрд сўмга (57 фоизга)** ошиб, **998 млрд сўм** доирасида шаклланган. Жами даромадлар таркибида фоизли даромадлар **88 фоиз** ёки **881 млрд сўмга**, хусусан ажратилган кредит ва лизинглардан олинган даромадлар (**868 млрд сўм**) ҳамда банкларга жойлаштирилган депозитлардан олинган даромадларга (**13 млрд сўм**) тўғри келади.

Шу билан бирга, нобанк кредит ташкилотларининг жами харажатлари **227 млрд сўмга (60 фоизга)** кўпайиб, **608 млрд сўмни** ташкил этган. Жами харажатларнинг **42 фоизи** ёки **256 млрд сўми** фоизли харажатлар, уларнинг асосий қисми (**185 млрд сўм**) банклардан жалб этилган кредитлар бўйича фоиз тўловларидан иборат.

11-чизма

| Даромадлар ва харажатлар таркиби | Жами (млрд сўм) | Микромолия ташкилотлари | Ломбардлар | Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти |
|----------------------------------|-----------------|-------------------------|------------|---|
| Фоизли даромадлар | 881,3 | 614,4 | 120,2 | 146,7 |
| Фоизли харажатлар | 256,2 | 128,2 | 3,9 | 124,1 |
| Фоизсиз даромадлар | 116,6 | 82,9 | 31,5 | 2,2 |
| Фоизсиз харажатлар | 26,2 | 21,1 | 4,9 | 0,2 |
| Бошқа харажатлар ¹ | 326,1 | 259,0 | 59,1 | 7,9 |
| Соф фойда | 389,3 | 288,9 | 83,9 | 16,5 |

Микромолия ташкилотларининг соф фойдаси ўтган йилга нисбатан **62 фоизга** ортиб, уларнинг активлари ҳамда капиталининг рентабеллик даражаси мос равишда **16** ва **32 фоизни** ташкил қилган.


Шунингдек, **ломбардлар** активлари рентабеллиги даражаси 2021 йил йилнинг мос даврига нисбатан 2 фоиз бандга камайиб, **33 фоизни** ва капитал рентабеллик даражаси эса 3 фоиз бандга камайиб, қарийб **37 фоизни ташкил этган.**

¹ Бошқа харажатлар таркибида операцион харажатлар, кредит ва лизинглар бўйича захиралар ҳамда солиқлар ҳисобга олинган.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг соф фойдаси ўтган йилга нисбатан **2 баробарга** ортган ҳолда, активлар рентабеллиги ўзгаришсиз **1 фоиз**, капиталнинг рентабеллик даражаси эса 5 фоиз бандга ошиб, **13 фоиз** доирасида шаклланган. Активлар даромадлилик даражасининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришсиз қолиши ташкилот активларининг юқори суръатларда (**2 баробарга**) ўсиши билан изоҳланади.

12-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари активлари рентабеллиги (ROA)



13-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари капитали рентабеллиги (ROE)

